Оила ва жамият

29 сон
18 – 24 июл 2001 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

МЕҲНАТИНГ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАСА...



Қашқадарё вилояти Қарши тумани Меҳнат бўлими бошлиғи Шаҳзода МАМАТҚУЛОВА билан суҳбат.

- Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

- Бизнинг олдимизда турган энг биринчи масала ёшлар ўртасидаги ишсизликни бартараф этишдир. Уларни иш жойлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқдик. Дастурга мувофиқ, банк билан ўзаро шартнома тузиб, кредит асосида кичик корхоналар, турли цехлар очмоқдамиз.

- Қўлида ҳунари йўқ йигит-қизларни қандай ишга жойлайсиз? Қолаверса, ишсиз юрганларни қай тарзда аниқлайсиз-у, улар билан қандай иш олиб борасизлар?

- Сиртдан қараганда, касбимиз осон кўрингани билан ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Қолаверса, бирор ишга тавсия этилган киши нафақат бизнинг, қолаверса, борган корхонасининг ҳам ишончини оқламоғи зарур. Шунинг учун ходимларимиз меҳнат бўлимига мурожаат қилган кишиларнинг дунёқараши, қизиқишига, маънавий савиясига қараб йўлланма беришга интилади. Бизга мурожаат қилган йигит-қизлар учун «Уста-шогирд» ўқишини ташкил қилганмиз. Қизларга тўқувчилик, зардўзлик, дўппи тикиш, йигитларга эса қандолатпазлик, компьютер созлаш бўйича уч ойлик курсларни йўлга қўйганмиз. Курс талабаларига уч ой давомида стипендия бериб борилади. Кишиларни иш билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Маҳалла-қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда иш юритамиз. Натижа ёмон эмас: шу кунгача "Янги боғ" фермер хўжалигига 639 нафар, "Хонобод" фермер хўжалигига 720 нафар киши ишга жойланди.

- Шаҳзода опа, кишилар ташвишидан ортиб, уй ишларини бажаришга қандай улгурасиз?

- Яшашдан мақсади одамларга яхшилик қилиш бўлган киши ҳамма нарсага улгуради. Турмуш ўртоғим Муродилла Тўраев билан бир-биримизни тушунамиз, менга барча соҳада ёрдам берадилар. У киши туман марказий шифохонасида муҳандис бўлиб ишлайдилар. Турмушнинг ўзига хос оғир-енгили бўлади дегандек, оилавий ҳаёт ҳам ҳар қачон бир текис бўлмайди. Аммо аёл сабр билан муаммони ҳал қилса, эрни ширин сўз билан ишга кузатиб, ширин сўз билан кутиб олса — олам гулистон. Ўғлимиз Достонбек 2-синфга аъло баҳолар билан ўтди. Бизлар битиролмаган ишларни фарзандларимиз давом эттиришади.

- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош:
М. МИРСОДИҚОВ

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

Бу икки суврат қаҳрамонлари Янгийўл туманидаги Мирзо Улуғбек ширкат хўжалиги аъзолари — Тошпўлат ТЎЛАГАНОВ, ўғиллари Отабек ва Дилмурод ҳамда Алижон ИСОМОВ.

Мирзо Улуғбек ширкат хўжалиги меҳнаткашлари 445 гектар ер майдонига яхши ният билан буғдой эккан эдилар. Ниятга яраша ҳар гектаридан 42 центнердан буғдой етиштирилди.

Ҳосилни йиғиб-териб олишда Тошпўлат Тўлаганов ўғиллари Отабек ва Дилмурод билан барчага ўрнак бўлишмоқда. Улар 380 гектар ердаги донни «Кейс» комбайни билан ўриб-йиғиб олиб, эл дастурхонига тортиқ қилишди.

Аммо ҳали далада йиғим-терим авжида. Ота-ўғилларнинг нияти - эл ризқи бўлган донни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишдир.

* * *

Ширкат хўжалигининг 8-бригада аъзолари 55 гектар ерда барака уруғини қадаб, йил бошиданоқ астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар. Уларнинг нияти - гектаридан 35 центнердан пахта ҳосили етиштиришдир. Бригада бошлиғи Алижон Исомов пахта илмини отасидан ўрганган. У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Аграр университетининг 5-курсида таҳсил олмоқда.

Унинг айтишича, бу йилги ҳосилнинг чўғи мўл. Уларнинг бу йилги хирмонига барака тилаймиз.

Сувратлар муаллифи:
Н. МУҲАММАДЖОНОВ

ҚАДНИ ҒОЗ ТУТ, ҚУВНА, ЯЙРАБ ЯШНАГИН

Мустақиллик шундай улуғ неъматки, унга эришмоқлик энг олий бахт. Мен бу бахтга эришмоқни ақлимни танибманки орзу қилардим. 1991 йилнинг тарихий 31 август куни ана шу бахтга эришганимдан бошим осмонга етди. Қувончим ичимга сиғмаганидан фарзандларимни бағримга босиб, уларни қутлардим. Ўша куни оиламизда энг ҳаяжонли, энг шодон кун бўлди, десам ишонаверинг.

Ярим тунга бориб фарзандларим ухлаб қолишди. Илҳомим жўшиб қўлимга қалам олдим:

Хуш келибдир муҳтарам ҳурлик куни,
Энг улуғ айёму энг нурлик куни.
Чиқ, фалакнинг томидан оламга боқ,
Бул куни ўзбекни машҳурлик куни.
Қадни ғоз тут, қувна, яйраб-яшнагил,
Бор экан тақдирда мағрурлик куни.
Завқ билан дунё овозига қўшил,
Эрк деган даъват учун жўрлик куни.
Энди озодсан, унинг қадрига ет,
Барча миллат тенгу тенгқурлик куни.
Шодмондир кекса-ёш, ўйнаб кулар,
Дилрабо зебо-ю масрурлик куни.
Яхшилаб байрам паловин дамлагил,
Жонажон халқимга ошхўрлик куни.
Эй Калон, илҳом булоғинг қайнасин,
Шеъриятнинг элга манзурлик куни.

Ўша ҳуррият куни мен гўё қафасдан чиққан қушдек енгил тортдим. Негаки Ватан озодлиги-менинг озодлигим. Сабаби менинг ўзим шу Ватаннинг бир қисми, жонли бўлагиман-да! "Ватанмен, мен-Ватан" деб ҳайқиргим келаверади, келаверади.

Мен Ватандан пайдо бўлдим,
Демак, мен ҳам Ватанман.
Охир Ватан тупроғига,
Қўшилгувчи бир танман!

Ҳа, инсон боласи борки уни Ватан тупроғи ўз неъматлари билан боқиб ҳам жисмонан, ҳам маънан улғайтиради, камолга етказади. Ошини ошаб, ёшини яшаб бўлгач эса яна у ўз бағрига олади. Жисм Ватан тупроғига қоришиб кетади. Бас, шундай экан мен-Ватан бўлмай, Ватан-мен бўлмай нима? Беруний ва Улуғбек, Нодира ва Увайсийлар каби она-момоларимиз жисми кўмилган муқаддас тупроқ, уларнинг нурли нигоҳлари тушган шу номли тўпламларим ва яна чоп этишга тайёрлаб қўйган китобларим ва матбуотда эълон қилинган асарларимда ўз ифодасини топди. Ҳали дилимда бору, тилимдан чиқмаган гапларим кўп. Уларни тезроқ айтгим, халқимга етказгим келаяпти. Айниқса нурли истиқлолимиз йўлида учрайдиган иллатларга шафқатсизлик руҳида ёзилган журналистик асарларим халқимизга манзур бўлаётганидан бошим осмонда!

Оиламга шодлик билан бир қаторда қут-барака келди. Уйимизни қайта қурдик. Хонадонимиз озод ва обод Ватанга мос бўлсин, дедик-да! Табиийки, бунинг учун астойдил меҳнат қилишга тўғри келди. Ишдан қочмадим. Мана энди унинг роҳатини кўряпмиз.

Жонажон шаҳрим - Тошкент жамоли кундан-кунга очилиб боряпти. Қурилиш, ободончилик микёси шу қадар улуғворки, уни фақат бобомиз Амир Темур давридаги суръат ва миқёсга қиёслаш мумкин.

Бу буюк ишларнинг раҳнамоси бўлмиш Йўлбошчимизнинг "Биздан озод ва обод Ватан қолсин", деган сўзлари ва бу борадаги амалий ишлари Амир Темур бобомизнинг "Қудратимизга шубҳа қилсангиз биз қурдирган иморатларга боқинг", деган сўзларига ғоят мос келмоқда.

Ҳамшаҳарларим ҳам ўзликларини англашмоқда, миллий ғурурлари ўсмоқда. Тарихий обидалар қайта тикланмоқда. Озодлик қурбонлари хотираси абадийлаштирилмоқда. Юнусободдаги "Шаҳидлар боғи" мажмуи бунга мисол. Кишилар эртанги кунга ишонч билан яшамоқда. Эндиликда нени яратса, нени бунёд этса ўзиники бўлажагини ҳис этмоқда. Мен шундай бунёдкор, серғайрат, шижоаткор одамлар билан бирга қадам ташлаётганимдан, Йўлбошчимиз айтганларидек, элим деб, юртим деб ёниб-қуйиб яшаётганимдан қониқиш ҳосил қиламан.

Ўзбекистонимизни жаннатга менгзашлари ҳақиқат. Бу юртнинг истиқболи порлоқ. Буюк давлат бўлиши ҳам табиий. Мен ана шу буюк давлатни қурувчилари сафида кўраман ўзимни.

Ҳа, ҳамиша Ҳақ таоллоҳдан шу улуғ Ватанимизни ёмон кўзлардан асрашини, буюк истиқлолимизнинг эса боқий бўлишини сўрайман. Энди биз:

Мустақилликни ёронлар,
бутун дунёга бермасмиз.
Жавоҳир, гавҳару олмос,
дуру тиллога бермасмиз.
Агар бир томчи сувга зор
эсак ҳам дашту саҳрода.
Зилол сув мавж уриб турган
азим дарёга бермасмиз.
Қилич тортиб келар бўлса
босиб қонҳўр жаҳонгирлар,
Агар тенг бўлса ҳам Чингиз
билан Дорога, бермасмиз.
Чин инсоннинг қаноту кўзларин
нури Ватан доим,
Уни виждони йўқ босқинчи-ю
расвога бермасмиз.
Ахир юртига шайдолик
асл иймон иши, дўстлар,
Кечиб ўз юртидан ёт
ўлкага шайдога бермасмиз.
Муқаддасдир Ватан доим,
этармиз тўтиё хокин,
Калон, мақсад шу-юрт эркин
разил рўёга бермасмиз!

Мурод КАЛОНХОН,
журналист, шоир

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

ИЖОД ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида белгиланишича: **"Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади".**

Шахсларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги илмий тадқиқотлар ўтказиш, ихтиролар қилиш, адабиёт ва санъатнинг янги асарларини яратиш йўли билан амалга оширилади. Давлат бунинг учун тегишли моддий шароитлар яратиб, фуқароларнинг илмий-техника ва бошқа бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш йўли билан илмий, ихтирочилик фаолиятига кўмаклашади, таклиф ва тавсияларни жорий этишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижодкор ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ижодкор ёшларнинг маънавий ўсиши учун шарт-шароитларни яхшилаш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш, республика маданияти ва илмий-техника қудратини кўтаришга қўшадиган ҳиссаларини оширишга қаратилган тадбирлар кўрсатилган. Турар жойга муҳтож ижодкор ёшларга уй-жой бериш, муаллифларнинг энг яхши асарлари, илмий ишлари учун мукофотлар таъсис этиш ижодкор ёшларнинг халқаро ва республика танловлари ғолибларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш шулар жумласидандир.

42-модданинг иккинчи бандида "Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади", дейилган. Президент Ислом Каримовнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувдаги "...ёш авлодни элим деб, юртим деб ёниб яшаш руҳида тарбиялаш, вояга етказиш барчамизнинг ҳаётий эътиқодимизга айланишини хоҳлардим" деган гаплари юртимизда конституция амалда эканлигидан, фуқароларнинг маданий ва илмий ривожланишларига давлат ғамхўрлик қилаётганлигига далилдир. Бугунги кунда ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли олимпиада ва университетлар, "Умид" жамғармаси грантлари, Зулфия ва "Ниҳол" мукофотлари, вилоятлардаги турли кўрик-танловлар, фестивалларни ғурур билан таъкидлар эканмиз, юртимизда шахсларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи конституциявий мақомга кўтарилганлигига амин бўламиз.

Х. ТЎХТАМУРОД

ЯШИЛ МАЙДОНДА АЁЛЛАР

Яқинда пойтахтимизнинг Миллий Олимпия Қўмитасида Аёллар футболи Ассоциацияси таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон футбол федерацияси ходимлари, мамлакатимиз аёллар футболи жамоалари мураббийлари ҳамда матбуот ходимлари иштирок этишди. Йиғилишни таниқли спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев олиб борди.

- Муҳтарам Президентимиз томонидан оналар ва болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бежиз эмас,-деди конференцияда сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова. - Аёлга кўрсатилаётган ғамхўрлик, тараққиёт пойдеворидир. Жумладан юртимизда Ўзбекистон Аёллар футболи Ассоциацияси тузилиши ҳам оналарга - аёлларга кўрсатилган эҳтиромдир. Спорт билан дўстлашув, аёлларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлабгина қолмайди. Теран мушоҳадага, чаққонликка, дунёқарашининг ўсишига ёрдам беради. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этаётган аёлларимиз, ўйлайманки жаҳон яшил майдонларида тўп суриб, футбол шоҳсупасининг юқори ўринларини эгаллашади.

Бўлиб ўтган таъсис конференциясида Ўзбекистон Аёллар футболи Ассоциациясига асос солиш ва унинг кенгаш аъзоларини сайлаш масалалари кўриб чиқилди. Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов Ассоциация Президенти, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раис ўринбосари Қиловар Қобулова вице-президент этиб сайланди.

ФАРИДА

АХБОРОТ

ОРОЛБЎЙИГА КЎМАК

"Экосан" Халқаро жамғармаси томонидан уюштирилган инсонпарварлик ёрдами поезди Тошкентдан Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилди.

- Бу тадбиримиз Оролбўйи аҳолиси учун яна бир мадад бўлади,-деди "Экосан" халқаро жамғармасининг президенти Юсуфжон Шодиметов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Поездга халқ истеъмол моллари, кийим-кечаклар, дори-дармонлар, уй жиҳозлари, шунингдек, Чехиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳадя қилган маъданли сувдан иборат жами 25 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами юклари ортилган.

Ю. Шодиметовнинг сўзларига қараганда, Оролбўйи минтақаларида Бутунжаҳон аҳолишунослик кунига бағишлаб жамғарма, БМТнинг аҳолишунослик, маданият, фан ва таълим масалалари бўйича Ваколатхонаси ҳамда Ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигида экофестивал ўтказилди.

Болалар экофестивали, Орол экофестивали доирасида сув танқислиги ва қурғоқчилик оқибатида зарар кўрган минтақаларга бориш, инсонпарварлик ёрдами юкларини тарқатиш кўзда тутилган.

Шунингдек, тадбир давомида таниқли санъаткорлар эл хизматида бўлади ва концертдан тушган маблағ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш учун сарфланади.

"ТУРКИСТОН-ПРЕСС"

АЁЛ — УЙИМИЗДАГИ, ЁНИМИЗДАГИ, ҚАЛБИМИЗДАГИ МАШЪАЛА

Оила эркак ва аёлнинг ҳамжиҳатлиги, тотувлигидан иборат. Бир танишим бор. Аёли жуда меҳнаткаш. Уйда хотин, кўчада эркак бўлиб елиб-югуради. Эри эса хотиржам дамини олиб кунни кеч қилади. Эрига ҳавасим келарди. Аёли рўзғорнинг юмуши билан бирга уйдаги экин-текингача қойил қилиб қўйибди. Уйида қурилиш бўлди. Барча қурилиш хом ашъёсини хотин етказиб турди. Айни вақтда қурувчиларга тўланадиган ҳақни топиш учун икки жойда ишларди. Эр уйда, ишчиларга овқат пишириб, хушчақчақлик билан кун ўтказар эди. Кўриб ҳавасим келди. Уйимга чиққач ўз аёлимга: «Фалончининг аёли ҳам рўзғор қилаяпти, ҳам экин-текинни қойил қилиб қўйибди, ҳам қурилишни боплаяпти. Менчи? Ҳеч бирига улгура олмай, ҳолим танг»,-дея танишимнинг аёлини мақтадим. Кунлар ўтди. Бир можароли иш юзасидан танишим билан дастурхон атрофида бирга бўлдим. Шунда у аёлига эътиборимни қаратиб: "Ана, ҳаммасини у ҳал қилади, мен эмас. Унга гапир", - деб юборди. Мен: "Ахир сен оила бошлиғисан, эркаксан, буни сен ҳал қилишинг керак", - десам-да, танишим аёлининг ҳал қилувчилигини таъкидларди. Мен беихтиёр унинг фарзандларига қарадим. "Улар отанинг улуғворлигини англамай қолсалар-чи", деган хавотир кўнглимдан ўтди. Йўқ, менга бундай "дам олиб" яшаш ёқмайди. Эркакнинг масъулиятини аёлига юклаб юборган танишим, оталик қадри, эрлик ҳурматини ҳам бериб юборгандек. Аксинча, аёли ўзини жуда эркин тутарди. Ҳар икки гапнинг бирида эрига танбеҳ бериб, уни одам қилиш учун адо бўлаётганлигини пеш қиларди. Шу дамда эрлик масъулиятимни мендан тортиб олмаган аёлимдан миннатдор бўлдим. Мен қурилиш билан ҳам, томорқа ишлари билан ҳам, оилани иқтисодий таъмин этиш билан ҳам бундан буёғига шуғулланавераман. Фақат хотиним: "Сизни мен одам қилаяпман", - демаса бўлди.

Биз неки иш қилсак доимо фарзандларимиз кузатувида бўламиз. Оила бошлиғи — эркак сифатида рўзғор тавишини тортаётганимни кўрган ўғлим, эртага, елкалари кенг, қадди-басти тўлуғ бўлган даврида менинг масъулиятимни, юмушларимни ўз бўйнига олишига ишонаман. Онасининг ёнида юрган қизгинам онасининг давоми бўлишига шубҳа йўқ.

Учрашувлардан бирида менга: "Аёл раҳбар бўлиши керакми, ёки уй-рўзғор юмушлари билангина кифояланса етарлими?" - деб савол беришди. Менимча, аёлимизни ўзимизга тенг деб билишимиз керак. Бу дегани унинг барча ҳуқуқларини ўзимизнинг ҳуқуқлардан асло камситмаслигимиз керак. "Мен хотинимни раҳбарлигини ҳазм қила олмайман. Агар у раҳбар бўлиб қолса, менга ҳам катталик қилади. Хотин киши ўз даражасини билиб, пастда юриши керак", деган мулоҳаза фақат жоҳил одамдан келиб чиқиши мумкин.

Эркаклар оилани бошқараётганда бирёқламаликка йўл қўймасликлари керак. Демоқчиманки, баъзи эркаклар: "Мен оилани таъмин этаман, барча харажатларни бўйнимга оламан. Аёлимни бирор корхонада ишлашига зарурат йўқ. Шу боис уни ҳеч қаерда ишлатмайман. Ана икки маҳал овқат қилсин. Уйни саранжом-саришта қилиб ўтирсин. Давлатдан оладиган ойлигини ҳам ўзим бераман", - деб фикр юритадилар. Сирт-дан қараганда бу эркак аёлга шоҳона шароит яратяпти. Аммо у аёлидан ишлашни хоҳлайдими, йўқми сўраб ҳам кўрмайди. Аёлни иқтисодий таъмин этиш билан уни ижтимоий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга эришмайди. Бирор корхонада ишлаётган аёл фикрлаши, дунёқараши уйда - тўрт девор ичида ўтирган аёл дунёқарашидан анчайин фарқ қилади. Кўпчилик билан бирга қувнаб, кулиб, яшаб, ёшариб юрган аёл фарзандларига бероладиган тарбияни хаёлан қиёслаб кўрайлик. Фарқ, тафовути жуда ҳам катта.

Аёлга овқат пиширадиган, кийимларни озодалайдиган машина сифатида қараманг. Унинг ҳам орзулари, армонлари ва ниҳоят мақсадлари бор. Унинг феъл-атвори, кайфияти фарзандингизда акс этади. Фарзандларингиз қай даражада буюк бўлишлари кўп жиҳатдан аёлингизга боғлиқ, аёлингизнинг дунёқараши, савияси даражасига боғлиқ. Бунда сизнинг эркак сифатида жавобгарлигингиз ҳамда масъулиятингиз алоҳида аҳамиятга эга.

Шундай экан аёлингизни "жоним", дея эркаланг, у сизга жонини фидо қилади. Уни: "Азизим", дея эркаланг, унинг учун энг азиз кимсага айланасиз. Бир зумга тасаввур қилинг: аёлсиз дунё, уй, ҳовли, маҳалла - бари ҳувиллаб қолади. Кўнгил увишади. Дардингизни кимга айтасиз? Ким билан талашиб, тортишасиз? Ким қорнингизни тўйдириб, ўзингизни чиройли қилиб хизматга кузатади? Уй гўёки қоронғуликка чулғангандек бўлади. Ҳа, ҳа!.. Унутманг. Аёлингиз хонадонингиз чироғи, кўнглингиз нури, ҳаётингиз машъаласи. Машъалангизни эҳтиёт қилинг, баланд кўтаринг. Йўлингиз ёруғ, нурли бўлсин.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ

ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН

(Боши ўтган сонларда)

Атрофингга яхшилаб қара, тўрт тарафинг ўқувхонадир. Инсонни ҳаётнинг ўзи доно қилади. Фақат берилиб кузат ва астойдил маънисини уқ! Карвонини бузмай дон орқалаб югураётган чумоли сенга меҳнаткашликни ўргатади. Арғимчоғини узмай учиб ўтаётган лайлаклар интизомдан дарс беради. Зилдай асфальтни кўтариб ташлаб, ниш ураётган қилдай майса яшаш учун кураш қандай бўлишини кўрсатади! Ўзингни солиштир ва улардан минг бора заифлигинг учун ҳар сафар уял, болам!

Одамларни кузат, ким ҳаммага ёқаётган бўлса, ўзинг кимни ҳавас қилсанг, сездирмай ўшанга тақлид қилавер. Буюк янгиланишлар ҳамиша тақлиддан бошланган. Кийинишу хатти-ҳаракат, яшаш тарзигача яхши одамлардан зимдан ўғирлагин-да, ўзингга юқдириб боравер, кимдан ўрганганинг эсингдан чиққан кундан ўша билим ўз-ўзингники ҳисобланади.

* * *

Ўғлоним, ҳамиша ақли ва феъли ўзингдан кучлиларга яқин юр. Товонларингни кўтариб бўлса-да, уларга тенглашмоққа интил, Худодан астойдил тилаб интил, сен ҳозир бир покиза вужудсан - ихлос билан сўрасанг, албатта беради! Халқнинг яхши гапи бор ва у айнан сенга тааллуқли: "Юзта ахмоқнинг ичида ақллиги бўлиб юргандан кўра, ўнта ақллининг ахмоғи бўлиб юр". Шунда ютасан, болажон!

* * *

Ўн бешдан ошган ўғлоним, чимилдиққача бўлган йўлинг энг нозик даврингдир. Шу оралиқдаги қилдай хатоинг катталаша-катталаша охири филдай зиёнингга айланади. Умрингнинг бошқа бекатларидаги адашишлар тавба-тазарру, тузатишлар билан балки ювилиб кетар, аммо ёзилмаган оппоқ қоғоздай ёшликка туширилган доғ ўнлаб йиллар ювса кетмагай.

Шайтон бор нарса ва у ёнингда эмас, қонингда айланади. Одамлар кўрса уят бўладиган нарсани билгинки, шайтон буюради! Ҳазрати Навоийда шундай гап бор: "Бировнинг олдида айтиш мумкин бўлмаган гапларни, қилиш мумкин бўлмаган ишларни кимса йўғида ҳам айтмаса, қилмаса, ўша одам донодир. Айни ёлғиз қолганингда ўзингни қаттиқ пойла, жиловингни маҳкам тут. Ўзингга подшоҳ ўзингсан, буюр вужудингга, айтганингни қилсин! Агар айб ишдан тийилсанг, демак ўзингни бошқараяпсан. Аммо хато қилсанг, билгинки, шайтонга хизмат қиляпсан! Шайтонга хизмат қилдингми, шўринг қайнагани шу - энди ютқизишларинг бошланади! Ютқизишларга учради деган гап бахтли бўлолмади деганидир".

Ота-онанг эса сени фақат бахт учун, бахтга атаб дунёга келтирганлар. Сени сувда эмас, дуоларда чўмилтирганлар, исмингни ҳам Бахтиёр, Комрон, Зафар, Дилшод, Хушнуд, Омад, Мақсуд, Умид деб қўйдилар! Шу исмларга муносиб умр кўришингни Худойимдан туну тонг йиғлаб тилайдилар. Илинж ила эҳсонлар қилиб, элдан дуо йиғадилар.

(Давоми бор)

Турсуной СОДИҚОВА

ҲАМОН СОҒИНИБ ЭСЛАЙМИЗ

Мен ота-онамнинг кенжа фарзандиман. Онам Мастура ая биз - фарзандларга бир умр меҳрибон бўлиб яхши тарбиялаганлар. Раҳматли отам Рихсихўжа Қодир ўғли катта оилада тарбия кўрган, юқори билим эгаси бўлган, иккинчи жаҳон урушида фаол қатнашган, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини тотган табаррук киши эдилар. Табаррук отамиз умрларини охиригача жамоат ва давлат раҳбарлик ишларида хизмат қилдилар. Улар биз — фарзандларни катта меҳр-оқибат билан тарбияладилар, ўқитдилар.

Отажон, сизни соғиниб шу дил сўзларимни ёзаяпман. Дўсту ёрларингизни кўрганимда кўзимга ёш келади. "Лабзак" кўчасидаги уйимизга борсам, у ерда гўёки сиз мени кутиб, эркалаб ўтиргандай бўласиз. Отажон, сиз тўғрингизда қанча дил сўзларимни ёзсам кам. Сиз доимо фарзандларингиз дилидасиз. Отажон, руҳингиз шод, жойингиз жаннатдан бўлсин...

Қизингиз ДИЛДОРАХОН ва невараларингиз

Хотира - муқаддас

ЁДЛАРИ НОНДАЙ АЗИЗ

Бошқалар марҳум дадаларини қанчалик эслашларини билмадим-у, аммо мен мана тўққиз йилдирки қўлимга нон олган заҳотим кўз ўнгимда навқирон эллик беш ёшида ҳаётдан кўз юмган отамларнинг қуюнчак сиймолари пайдо бўлади. Боиси, дадажонимиз бир умр новвойлик касбкори орқасидан оила тебратганлар. "Катта Қозиробод" маҳалласида Шокир (иккинчи исмлари Ҳикмат) новвой номи билан машҳур эдилар.

Тўй-маъракалару, кундалик турмуш, нон ёпишдан ортган вақтларини дурадгорлик, электриклик, чилангарлик каби "Қирқ ҳунар"ларга сарфлардилар. Ётиб ором олишга беш-олти соатдан ортиқ вақт сарфлашни исрофгарчилик деб билардилар. "Оёқни чўзиб ётадиган вақт ҳам бир кун келар, ҳозир куч борида ишлаб қолайлик",-дер эдилар.

Юртимиз мустақилликка эришган пайтида жуда хурсанд бўлиб, шўролар даврида юртимиздан чин-мочин тарафларга бош олиб кетган боболари Олим полвоннинг авлодлари билан топишишни ният қилган эдилар. Начора, бевақт ажал бу ниятлар рўёбига чек қўйди.

Ойижоним Латифа, биз фарзандлар ва набиралар дадамиз хотирасини ҳамиша нондек азиз ва мўътабар деб билгаймиз.

Нонлар ёпиб, қош-киприги куйган дадам,
Болажоним деб эркалаб суйган дадам,
Битта олма топганда ҳам ҳидлаб-ҳидлаб,
Болам есин дея олиб қўйган дадам.

Раъно ФЕРИМҚУЛОВА

Таҳрифларингиздан бири

ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШГАНДА ЭДИ...

Хонамизга эллик ёшлардан ошган, кўриниши мулойимгина бир аёл кириб келди.

- Ассалому алайкум! Келинг опа?

Аёлнинг кўзларида ёш йилтилади ва дарҳол дастрўмолини олиб артаркан, деди:

- Дардим ичимга сиғмай кетганидан келдим бу ерга. Негадир сизларга айтсам енгил тортаман деб ўйладим.

- Қаерликсиз?

- Сирдарёдан келдим...

- Майли опажон, шунча йўлни босиб келибсиз, энди тортинмасдан дилингизни очинг-чи...

Аёл дарду ҳасратини бошлади:

- Эру-хотин бешта фарзандни ўстирдик, ҳозир нафақадамиз. Бирин-кетин тўрттасини уйлик-жойлик қилиб қўйдик. Қудаларим бир-биридан яхши одамлар. Кенжатойим ҳам институтни аъло баҳоларга битириб магистратурада сиртдан ўқий бошлади. Яхшигина лавозимда ишлайди. Ёши йигирма бешда. Ўзи мўмин-қобилгина. «Уйлантирамиз, танлаганинг борми?»-десак. "Ўзларингиз биласизлар", - деди. Бир қариндошимиз: "Танишимнинг яхши қизи бор", - деб ўртага тушиб қиз билан таништирди. Учрашувдан сўнг ўғлимдан: "Қандай қиз экан" - деб сўрадим. «Билмадим ойижон, жуда камгап қизми дейман, ҳеч гапирмади. Кўринишидан тузукка ўхшайди. Тағин ўзингиз биласиз», - деди.

Бу гапдан сўнг мен хурсандчилигимдан дарҳол тўй тараддудига тушдим. Тўртала фарзандимни уйлаб жойлашда адашмаганим боисиданми буни ҳам "Ота-онаси яхшига ўхшайди, фарзанди ҳам ёмон бўлмас", - деб ўйладимда совчиликка бордим. Тезда рози бўлишди ва тўй бўлиб ўтди. Четдан қараганда ҳамма нарса жуда яхшидай. Бироқ, ўғлимнинг кайфиятига қараб, онаман-да, нимадандир кўнгли тўлмаётганлигини сезиб юрдим.

Холи қолган пайтимизда секингина: "Болам, кўнглинг нимадандир эзилгандай? Хотининг билан бир-бирларингга ўрганиб кетолмаяпсиларми дейман", - дедим.

«Йўқ ойижон, муносабатларимиз ёмон эмас, лекин... Кўнглим ғаш... Негалигини ўзим ҳам билмайман», - деди ва қўшиб қўйди: «Бекор сиқилаверманг, ҳали ҳаммаси изга тушиб кетар..."

Мен тинчлангандай бўлдим. Лекин бир куни ўғлим, ўзининг айтишига қараганда, калит излаб келиннинг сумкачасини очиб қарабди-ю, тасодифан шифокорлар томонидан берилган қоғозларга кўзи тушиб қолибди. Ўқиб қараса, келиннинг исми-фамилияси, қизлик адреси ёзилган анализлар экан. Ҳайрон бўлибди. Сўнг уларда нима ёзилганини билиш мақсадида таниш шифокорга кўрсатибди. У бу қоғозлар тери-таносил касалликлари шифохонасидан берилганлигини айтибди. Ўғлим янада ҳайрон бўлибди. Кейин танишининг маслаҳатига биноан ўша шифохонага бориб қоғозларни кўрсатибди. У ердагилар бу қоғозлар эгаси шу шифохонада даволанганини ва ҳозир ҳам ҳисобда туришини айтишибди.

Болам бор гапни келиб менга айтди. Кейин: "Ота-онасини чақиринг, қизларини олиб кетишсин", - деди. Мен ҳам кутилмаган бундай янгиликдан гангиб қолдим. Қудаларимни чақириб бор гапни айтдим. "Қизимизга туҳмат қилаяпсанлар", - деб бақириб кетишди. Бу гап бошқа фарзандларим, қудаларим, қўни-қўшниларимга ошкор бўлди. Улар ҳам қуда томонга бир овозда: "Қизингиз анализлар топширсин, ўртадаги ишончсизликни аниқлашнинг бирдан бир йўли шу", - дейишди. Хуллас олдинига келин йиғлаб-сиқтаб: "Ўзимни ўлдираман, у қиламан, бу қиламан", - деб кўнмади. Охири ота-онаси мажбуран анализ топширтиришди. Натижаси яхши бўлиб чиқмади. Кейин бошқа гаплар ҳам ошкор бўлди.

- Қандай гаплар?

- Келинимиз эрга теккунча бола ҳам олдирган экан... Қудаларимиз бу гаплар уларга олдиндан маълумдек, дарҳол қизларини ҳамма нарсалари билан бирга олиб кетишди. Кўп ўтмай суд ажримига асосан эр-хотин ўртасидаги никоҳ ҳақиқий эмас деб топилди ва келин томонидан етказилган маънавий зарар учун маълум миқдорда пул ундириб берилди,- шундай дея опа менга туман ва вилоят судлари қарорларини, шифохонадан олинган қоғозлар нусхасини узатди. Сўнг сўзида давом этди:

- Олдинига эсимизга келмабди. Кейин бир неча ой бирга яшашдику, дея ўғлимни текширтирсак, у ҳам касалланибди. Болам бутунлай гангиб қолди. Ўқиши ҳам, иши ҳам кўнглига сиғмай қолди. Эртадан кечгача уйдан чиқмай ётади. Тўғри, даволанаяпти. Шифокорларнинг айтишича, тузалиб кетаркан. Лекин қалб яраси тузалармикан? Келинимнинг турмуш қурмасдан олдинроқ қилғуликни қилиб, софман деб, ҳаммани алдашга виждони қандай чидади экан? Қалби тоза, яхши ниятда турмуш қурган йигитнинг умрини хазон қилишга нима ҳаққи бор эди? Наҳотки ота-она қизлари нималар қилиб юрганидан бехабар бўлишган. Албатта билишган. Била туриб ўз обрўларини сақлаш учун қизларини ўраб чирмаб ўғлимга беришган, деб ўйлайман. Бу қора қилмиш тасодифан ўғлимга маълум бўлиб қолмаганида яна нималар юз бермасди, дейсиз. Устига-устак ўртада касалманд фарзандлар туғилса, боламни қандай кўргуликлар кутган бўларди. Болам аламдан, изтиробдан ҳеч ўзига келолмаяпти. Унинг ранг-рўйига қараб отаси иккаламиз ҳам эзилиб кетдик... Элу авлод, қўни-қўшни олдида ҳам бир аҳволга тушиб қолдик. Кечагина тўй-ю тантаналар билан уйланган ўғлимни кўчага чиқишга, ишхонасига боришга бети чидамай қолди. Сингилжоним, қариганда шунақанги кўргуликларга дучор бўламан деб ўйламаган эдим.

Онахоннинг кечмишларини тингларкнман, қандай сўзлар билан далда беришни ҳам билмай қолдим. Бу хунук воқеа бўлиб ўтганига анча вақт ўтибди. Суд ҳам ўз ажримини чиқариб берибди. «Қилмишқидирмиш» деганларидек, воқеада салбий рол ўйнаган ўша жувон ҳам қонун олдида, шунингдек эл-авлод, маҳалла-кўй олдида юзи шувит бўлди. Нега энди опа бунчалар ғам чекадилар, нега бу воқеа газетада босилиб чиқишини истайдилар... Ўғиллари ёш. Ҳали яна уйланади, бутун ҳаёти олдинда бўлса...

- Опа ўтган воқеалар асабларингизга қаттиқ таъсир этганини, дарду дунёнгиз қийноқ исканжасида эканини ҳис этиб турибман. Сизга ҳам, ўғлингиз ва оила аъзоларингизга ҳам осон тутиб бўлмайди. Лекин ҳаммаси ортда қолибди-ку. Энди унутинг ҳаммасини, кўпам изтиробга тушаверманг. Ҳар гал эслаганда вужудингиз-у қалбингизга оғриқ соласиз, бунақада эса касал бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас,- дейман мен...

- Лекин биласизми синглим, бизку куйиб қолдик, ўзгалар куймасин, дейман... Ўзгалар пишикроқ бўлишсин,"Етти ўлчаб бир кес"мақолига амал қилишсин, дейман... Инсон тақдири билан ўйнашиб бўлмаслигини ҳамма-ҳамма — турмуш қурмоқчи бўлган қиз-йигитлар, уларнинг ота-оналари, Гиппократ қасамини ичган оқ халатли шифокорлар тушунишларини истайман.

- Опа, гапимдан хафа бўлманг-у, ўтган воқеада ўзларингиздан ҳам хато ўтганини тан оласизми,- сўрайман.

- Биздан қандай хато ўтган бўлиши мумкин? - Опа ҳайрон бўлиб қарайдилар менга.

- Оила кодексимизда ёшлар никоҳдан олдин ўзаро келишган ҳолда тиббий кўрикдан ўтиб, бир-бирларининг соғ-саломатликларидан огоҳ бўлсалар мақсадга мувофиқлиги қайд этилган. Агар аввал бошданоқ ана шу тартиб асосида иш юритганларингизда балки бу машмашаларнинг олди олинган бўлармиди...

- Тўғри, синглим, масаланинг шу томонига бепарво қарабмиз-да...

Аёл менинг танбеҳимни тан олгандай бўлди. Шу асно назаримда елкасини босаётган алам-нафрат юки ҳам бироз енгиллашди. Буни унинг чеҳрасидан ҳам англаш мумкин эди. У кетди... Мен ўйланиб қолдим. Бундай воқеа ўғил-қиз ўстираётган ҳар бир ота-она юрагига ғашлик солмаслиги, ўртамаслиги мумкин эмас, ахир... Ҳаммамиз ҳам фарзанд бахтини кўриш умиди-орзусида яшаймиз, қувончидан шодланамиз, дарду ғамидан ўртанамиз. Шундай экан, фарзандларнинг бугуни - эртаси учун масъуллигимизни унутмаслигимиз, фарзанд ҳаётига дахлдор масалаларда ҳушёр турмоғимиз керак. Бу ҳақда сиз нима дейсиз, азиз юртдошим?

Лола АҲМЕДОВА

МАКТУБЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

ИЧИШ ШАХСИЙ ИШМИ?

Сахий ва камтарин, қўли очиқ ва ширинсўз ўзбек халқи ўтказадиган тўйлар жуда файзли ва тўкин-сочиндир. Бу тўйлар ва тантаналар ўндан ортиқ бўлса керак - бешик тўйи, никоҳ тўйи, хатна тўйи, кумуш, олтин тўйлар ва ҳоказо. Тўйлар ичкиликсиз ўтмайди, албатта. Лекин очиқ тан олайлик, тўйлар-ку майли-я, лекин хилма хил тантаналар ҳам ичкиликсиз ўтмаслиги ҳаётимизда одат тусини олган.

Ичиш - шахсий иш, лекин ўсмир болалар, бола эмизувчи аёллар, навқирон қиз-йигитларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилишлари зарарли эканлиги ҳаммага маълум-ку. Телевидение, радио, вақтли матбуот орқали жойлардаги тиббиёт муассасаларининг ходимлари бу ҳақда етарли маълумот бериб келмоқдалар.

Фарзандларимизнинг ногирон туғилишларига асосий сабаб ичкилик, гиёҳвандлик ва яқин қариндошга уйланиш эканлиги бугунги кунда ойдек равшан.

Танишларимдан бириникида меҳмон бўлиб қолдим. Яхши кайфият, байрамона кўтаринки руҳ ҳукмрон хонадонда.

- Меҳмонлар, марҳамат дастурхонга, хуш келибсизлар. Ишимиз муваффақияти учун, бахт-саодатимиз ва дастурхон тўкин-сочинлиги учун... жарангдор қадаҳ уриштиришлар бошланиб кетди. Ҳар ким ўз фикри-ю муносабатини ва мақсадини ўзича баён этди. Димоғчоқликка нима етсин? Ҳазил-мутойиба, олинг-олинглар авжида. Ўрта ёшлардан ошган сатанг аёл ёшгина жувонга таклиф қилди:

- Қани келин, олинг, жуфт бўлсин. Сиз ҳам бизлар каби серфарзанд бўлинг...

Озгина фурсатдан кейин ичимлик ичган жувон ғўдагини эмизди. Кейинчалик бола қайт қилди. Негадир ҳеч ким бунга парво ҳам қилмади. Хушчақчақлик давом этаверди.

Тиббиёт олимлари кузатишларича, ошқозондан қонга ўтган ичимлик биринчи навбатда мияга ва ички аъзоларга зарарли таъсир этади. Бу ички аъзолар ва асаб касалликлари манбаи-ку! Хўш, бу зарар мурғак ғўдак, ёш бола ёки ўсмир қиз ва ўғил бола ўсишига, тўлақонлик инсон сифатида шаклланишига қанчалар салбий таъсир этишини ўйлаб кўрдикми? Ичкилик касофати фарзандларимизнинг вужудигина эмас, руҳи, шунингдек тақдири ҳам кемтик бўлиб қолишига сабаб бўлиб қолмаслигига кафолат бериб бўладими? Ким айбдор бунга?

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари бонг уради - ичиш, чекиш, турли хилдаги гиёҳвандликлар жаҳон миқёсида ҳар йили минглаб одамлар ҳаётига завол бўлмоқда. Бундай иллатга қарши нафақат барча тиббиёт ходимлари ва жамоат арбоблари, балки барчамиз биргалашиб курашмоғимиз лозим, деб ўйлайман.

Саъдин КУРБОНОВ,
нафақадаги ўқитувчи

Бухоро шаҳри

МАКТУБИНГИЗНИ ЎҚИБ...

УЛАРГА ТАЯНЧ БЎЛИНГ...

Қўқонлик 18 ёшли синглимиз М.!

Мактубингизда ота-онангизнинг кўзлари ожизлиги, бунинг устига онангиз 1993 йилда ишлаб юриб йиқилганликлари юролмаслиги, бир жойда ётишлари ҳақида ёзибсиз. "Лекин Худога беадад шукр, менинг тўрт мучам соғлом", - дебсиз. Сизнинг яна шундай сўзларингиз қалбни ларзага солади: "Менинг бирдан-бир тилагим онамни оёққа турғазиш. Қанийди қўлимдан келганда шу кўзларимни кўзи ожиз отамга бериб ёруғ дунёни кўрсата олсам, оёқларимни бериб онамни юргиза олсам, волидамни бахтиёр қилолсам..."

Сингилгинам, ҳаётнинг ва табиатнинг баъзида биз - инсонларнинг сабот-иродасини синовчи турли-турли шафқатсиз имтиҳонлари ҳам бор. Ана шундай имтиҳонлардан бири - фарзанд сифатида сизнинг чекингизга тушибди. Начора... Лекин сингилгинам яшаш керак... Сиз том маънода ота-онангизнинг кўрар кўзи, жигарбанди экансиз. Уларга тиргак, таянч бўлмоқ учун сизда уч инсонга етар даражада куч-қувват, ғайрат, ҳаракат жамланган бўлмоғи керак. Сизда катта имкон бор - ёшсиз, бутун ҳаётингиз олдинда. Ҳаёт эса фақат дарду ғамдан иборат эмас. Унинг қувончу шодликлари ҳам бисёр. Фақат тушкунликка тушмай, сабот-ирода билан яхши кунларга етиш учун курашишдан толмаслик керак.

Инсон ўз муаммолари, дарду ғамлари билан якка-ма-якка қолмаслиги учун мамлакатимизда фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояловчи қонунларимиз мавжуд. Қолаверса орамизда меҳр-оқибатли, сахий қалбли одамлар кўпчиликни ташкил қилади. Ўйлаймизки, Қўқон шаҳар ҳокимлигига бориб бу борада мурожаат қилсангиз, сизга албатта имкон даражасида ёрдам беришади.

М. КАРИМОВА

У ЭНДИ МЕНГА ҚАРАМАЙДИ

"Ундан воз кечишим қийин"—28-сон

Камоланинг мақоласини ўқидиму, ўзимнинг ҳам аянчли тақдиримдан кўзларимга ёш келди.

Мен ҳам мактабдан сўнг дорилфунунда ўқишни орзу қилардим. Лекин оилавий шароитимиз қийинлиги сабабли онам,яқинимиздаги лицейга кириб ўқишимни маслаҳат бердилар. Ўқишим тугагач, ишга жойлашдим. Ҳар куни ерталаб ишга кетаётганда И. исмли бола билан салом-алик қилардим.

Ростини айтсам, унга жуда раҳмим келарди. Чунки И. ногирон, юролмасди. Унинг отаси И. туғилмасдан олдин вафот этган. Онаси эса И. 13 ёшга кирганида оламдан ўтганди. Лекин И. ҳамма ишни ўзи уддалай оларди. Бора-бора мен И.ни қаттиқ севиб қолдим. Бир куни чидолмай И.га:

- Сизга гапим бор,-дедим. У менга қаради. Мен эса гапни нимадан бошлашни билмай қолдим. И. ҳам гапимни бўлмай охиригача эшитди. Охири менга:

- Сенинг кўнглинг мендалигини биламан, фақат бир нарсани тўғри тушун. Мен сен билан бошқа-бошқа дунёмиз, тенг эмасмиз,-деди.

- Нега ундай дейсиз? Ким нима деса, деяверсин, менга фарқи йўқ.

- Гап-сўз билан мени ҳам ишим йўқ, лекин ота-онанг-чи, ахир улар сени не-не умидлар билан катта қилишган, нахотки мени деб улар билан муносабатингни бузилишини хоҳласанг...

- Йўқ, агар ойим ростдан ҳам яхши кўрсалар, мени тушунадилар, деб ўйлайман.

- Бўлмаса, ойинг билан гаплашиб кўр, жавобини эртага айтасан,-деди у.

У билан хайрлашиб уйга бордим. Ўша кунни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади.

Ойимга бор гапни айтиб: "Сиз нима дейсиз?",-деганимни биламан, ойим жанжаллашиб, И. билан бошқа гаплашмаслигимни айтди. Ойим мени тушунади деб ўйлардим. Чунки, ойимнинг ҳам И.га раҳми келарди. Ойимнинг уриши менга нимагадир таъсир қилмади. Лекин И. га нима дейишимни билмасдим. Аҳволимни кўриб, И. ҳамма гапни ўзи тушунди.

- Мен биладим, ойингни ҳам тушунаман, ким ҳам ногирон одамга соппа-соғ қизини берарди. Мен шундан сўнг ҳам И.га янада қаттиқроқ боғландим. Уйдагиларга билдирмай ҳар ҳафта бир марта И. билан учрашувга чиқардим. Ҳар учрашганимизда И. менга:

- Менга барибир, мен йигит кишиман, сен қиз боласан, яна ўйлаб кўр. Кейинчалик пушаймон бўлиб юрмагин,-дер эди.

Мен эса:

- Сизни севаман, сизсиз яшамайман,-дердим.

- Агар ростдан ҳам чин юракдан севсанг, ҳеч қачон мени ташлаб кетма,-дерди И.

И.га: "Ташлаб кетмайман",-деб ваъда бердим. И. уйидагиларга (И. холасининг уйида яшайди) биз севишишимизни ва учрашиб юрганимизни айтган экан. Улар И.га:

- Биз у қизни уйига совчиликка борайлик. Фақат қиз гапида турса, ҳаммаси яхши бўлади,-дейишибди.

И. бу гапларни менга айтди.

- Ҳали эрта, яхшиси ҳали совчи юбормай туринг,-дедим.

- Ўзинг мени ростдан ҳам севасанми ёки фақат ачинганинг учун мен билан учрашиб юрибсанми?-деди И.

- Йўқ, мен сизни яхши кўраман,-дедим.

Шундай қилиб мен рози бўлдим. И.нинг қариндошлари уйимизга келишиб, ойим билан гаплашишди. Ойим:

- Сизлар мени тўғри тушунинглар. Ахир дўст-душманнинг кўзига қандай қарайман? Қариндошларимга нима дейман? Қизимни сизларга беролмайман,-дедилар.

Улар ойимни кўнглини топишга қанчалик уринишмасин, ойим кўнмадилар. Совчилар "Биз яна келамиз",-деб кетишди. Ойим менга панд-насиҳатлар қилдилар:

- Энг катта қизим сифатида ҳамма умидим сендан. Мени тирик гўрга тиқаяпсан-ку, -дедилар.

Мен ойимга:

- У ахир ногирон бўлса ҳам қўлидан ҳамма иш келади-ку. Балким тақдирим И.га насиб этгандир,-дедим.

- Уни десанг, бор, ўша билан яшайвер, лекин мени бошқа тирик кўрмайсан. Агар мени десанг, у билан бошқа учрашмайсан ҳам, гаплашмайсан ҳам. Гапларимни ўйлаб кўр,-дедилар.

Ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келдим. "Она-рози, худо-рози",-дейдилар. Ойим дуойибад қилсалар, қандай қилиб яшайман. Бу гап келиб-келиб энди миямга урилди. И.га келиб ҳаммасини айтдим. У менга:

- Берган ваъданг, дил изҳорларинг эсингдан чиқдими, сендан буни кутмагандим. Ростини айт, менга турмушга чиқишга рози эмасмидинг. Ҳа, майли, бўлганича-бўлди, пешонам шўр экан, биласанми, эндигина ҳушинг ўзингга келаяпти. Фақат шуни билиб қўйки, сен меники бўлмадингми, бошқа ҳеч кимни ёри бўла олмайсан,-деди.

- Сизга ҳам, бошқага ҳам турмушга чиқмайман, - дедим унга.

И. билан жанжаллашиб қолдик (бунга ўзим сабабчиман). Биз бошқа гаплашмадик, учрашмадик ҳам.

Аммо И. сўзида турди. Совчилар келса И. улар билан гаплашиб мени ёмонлайди, йўлларидан қайтаради. Совчилар уйимизга қадам босмай қайтиб кетишади. Мен тирик мурдадек яшаяпман. Негадир И. дан кўнглим қолди, уни энди аввалгидай севмайман. Юрагим ачинмайди ҳам. Мен орамиздаги оташин севгининг нафратга айланиши бу қадар тез юз берганидан изтироб чекаман. «Тенг тенги билан, тезак қопи билан», деб бекорга айтишмас экан-да, дея ўйлаб қоламан. Мен энди ўз бахтимни учратармиканман? Ҳеч кимга ишончим қолмаган.

УМИДА

ЭСЛАТМА: *Ўқишга киролмагач, қаттиқ тушкунликка тушдим. Лекин Санжарни учратдиму, дунёқарашим бутунлай ўзгарди. Санжарнинг кўзлари ожизлиги сабабли ота-онам бизнинг муҳаббатимизга қарши. Ногиронларни соғломлардан айириб қўйиш инсофданми?*

КАМОЛА

Акс садо

ДАРДИМИЗ БИР ЭКАН

«Дардингни олай, болажон!»—12-сон

ЭСЛАТМА: *Нодирбек қўшнимиз туфайли айбсиз айбдор бўлиб қолди. Қўшнимиз боласига «кўчада ўйна» деб шприц берган, у эса бехосдан шприцни ўғлимнинг кўзига санчиб олган. Ўғлимнинг ожиз кўзига қараб юрагим эзилади...*

РУХСОРА

Рухсорахон! Мактубингизни ўқиб дардимизнинг бир хил, ўхшашлик томонлари борлигини ҳис этдим. Фақат сизнинг азобларингиз 10 ойдан бери тинчлик бермаса, мен 5 йилдирки дардманд ўғлимга қараб эзиламан. Иккимиз ҳам Она бўлишдек бахт таъмини татибмиз, лекин фарзандларимизни бировдан кам қилмайлик деб, бировларнинг касрига қолибмиз. 1995 йил 1 октябрда ўғлимиз туғилганда дилимиз шодлик билан тўлди. Азизбекжон ҳовлимизни тўлдириб юрсин, дея кўп эзгу ниятлар қилдик.

Туғруқхонадан баланд ҳарорат билан уйга жавоб беришди.Бунинг боисини сўраганимда «БСЖ уколиники», дея жавоб беришди. Ҳароратининг кўтарилиши оқибатида ўғлим эммай қўйди. Кейин дўхтирмадўхтир чопа бошладик. Эҳ, ўша кунларни эсласам...

Боламга «Сепсис» деган ташхис қўйишди. Дарвоқе, ўғлимни олиб борган кунимнинг иккинчи куни рентгенга туширишди. «2-3 кун олдин йиқилган ва чап тарафдан оғир зарб еган»,-дейишди. 5 ноябрда эса ўғлимнинг чап тос қисмида катта шиш пайдо бўлди. Бизни зудлик билан вилоят травматология шифохонасига жўнатишди ва ўғлимга «Остемелит» деб ташхис қўйишди. Сизга ёзсам адо бўлмас қисмат-достоним узоқ, чунки ўғлим 5 йил давомида вилоятдаги энг нуфузли шифокорлар ҳузурида, энг яхши касалхоналарда бўлди. Шу 5 йилнинг қарийб 3-4 йилини шифохона шифтига термулиб ўтказганмиз она-бола. Бу орада ўғлимнинг қўли бир неча маротаба чиқди. Кейин ўғлимнинг оёғига тош осилди, гипс қилинди. Бу азобларнинг барчаси гуноҳсиз гўдак қисматига битилган экан.

Ким ўз боласини бировдан кам бўлишини истайди? Ўғлимнинг: «Аяжон, мен қачон ўртоқларим каби чопиб ўйнаб юраман»,-дея деразадан ташқарида ўйнаётган болаларга ҳавас билан қарашини кўриб йиғлайман.

Рухсорахон, қанийди ҳар иккимизнинг кўнглимиз армонлари тушга айланса-ю, биз ҳам саломатлик боғларидан болаларимиз билан гул терсак. Барча қора кўз ширинтойларнинг юзларида табассум ўйнаса, шодлик уфори таралса. Тани-жони соғ бўлиб, элимизга тинчлик, юртимизга омонлик тилаб ўйнаб-кулиб юришса...

Дилбар НОРМУРОДОВА
Термиз шаҳри

БАХТ ЎЗИ СИҒИНИБ КЕЛАР, КАЪБАСИ БЎЛАСАН СИНГЛИМ!

«Мен ҳам ўз бахтимни топсам»—3-сон

ЭСЛАТМА: *23 ёшдаман, обрўли ташкилотлардан бирида ишлайман. Опам борлиги учун менга оғиз солган совчиларга рад жавобини берардим. Опам узатилди. Менга эса ҳамон бахт кулиб боқмаяпти...*

ШАБНАМ

Сен ҳали шундайин уйнинг бекаси бўласан синглим,
Оқил, мард, танти йигитнинг эркаси бўласан синглим.
Ширин-шакар ўғил-қизлар онаси бўласан синглим,
Бахт ўзи сиғиниб келар, Каъбаси бўласан синглим.

Дардли нолангни ўқидим, сатрлар қалбимни ўртади,
Изтироб тўла сўзларинг дардли дунёйим қўзғади.
Қўлда "хат" қотиб қолдиму, хаёлим ҳар ёна тўзғиди,
Бахт томон қанот қоқувчи Ҳумо қуш бўласан синглим.

Сен тақдирингдан нолима, ҳали нени ҳам кўрибсан,
Йигирма уч баҳор, ёз кўриб камолотга тўлибсан.
Ўз-ўзлигинг пок сақлабон, битта ойимқиз бўлибсан,
Унча-мунча қўли етмас, навниҳол бўласан синглим.

Мунис опанг ҳурматин қилиб, сен ўзингни оқлабсан,
Юзига оёғинг қўймайин, тантиликни ёқлабсан.
Ҳою-ҳавасга берилмай, мудом ўзингни сақлабсан,
Сабру-тоқат қўрғонига ҳокима бўласан синглим.

Ҳаётда не муродинг бор, барчасига етарсан сен,
Тақдирдош бўлган йигитнинг, уйин обод этарсан сен.
Ҳисларинггу, пок вужудинг, бор меҳрингни тутарсан сен,
Меҳру-вафо булоғининг дорбони бўласан синглим.

Райҳон АШУРОВА
Қамаши тумани

Хурматли САРДОРБЕК!

Сенинг навқирон 16-ёшинг билан ўнинчи дилимиздан табриклаймиз. Келгусида бахтли-саодатли бўлиб, истаган орзуингга етиб юргин. Умринг узоқ бўлсин.

Оила аъзоларинг

Азиз ва муҳтарама дугонамиз Ойшахон ИБРОҲИМОВА

Сиз бир умр масъулиятли лавозимларда меҳнат қилдингиз. Эзгу юртимизда обрў-эътибор қозондингиз. Бугун эса умрингизнинг қутлуғ 60 ёшин остонасида турибсиз. Сизга Оллоҳдан узоқ умр, соғ-саломатлик, кўнгил хотиржамлиги тилаймиз.

Дўстларингиз

Болаларнинг кийимларини тикиш! Доимий ишга тикувчилар таклиф қилинади.
МАНЗИЛ: "Эски жўва" мавзесидаги "Гулистон" ресторанининг 4-қавати. (Соат **15** дан **18** гача мурожаат қилишингиз мумкин).

— Эркаклар учун **"МУҲАББАТ"** препарати. Доимий тетиклики таъминлайди;
— Қанд диабетига қарши маҳсулот;
— Бальзам - доимий тетиклик;
— Озиш 10 кг.гача. Гербалайф эмас.
Тел: 117-60-17

"Соғ юрак" маҳсулоти.
"Хуснбузар". Тел: 96-72-17.

"ЭЛИТА" усулида парда ва пакриваллар тикишни ўргатаман, тикиш учун буюртма қабул қиламан.
Тел: 22-73-73 (Раъно).

Таркиби кальцийли препарат.
"Хитой" корпорацияси ишга таклиф этади. Тел: 74-60-56.

Касалликларни янги, юқори сифатли, кафолатланган, 100 фоиз табиий (Франция) маҳсулотлар билан даволаш усулини таклиф этамиз.

- қандли диабет, бўқоқ;
- остеохондроз, уйқусизлик, асаб, камқувватлик, невроз;
- эркаклар муаммолари: простатит, жинсий ожизлик, бепуштлик;
- аёллар муаммолари;
- болаларни ўсишдан ортда қолиши, тез-тез касалликларга чалиниши;
- жигар хасталиклари;
- витилиго, псориаз, аллергия;

Тел: 144-41-57

ҚИЗЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

"Раъно" ўқув маскани торт, пишириқлар пишириш, салатлар тайёрлашнинг нозик сирларини ўргатади.
Манзилимиз: Метронинг Фофур Ғулом бекати, 1-уй, 6-қават, 44-хона. («Ганга» магазини қаршисидаги 12 қаватли бино.) Тел: 162-67-86

Юнусобод тумани 2-даҳасида тўрт хонали, 10 сотих ери бор уй сотилади. Тел: 21- 16- 75

Шайхонтоҳур тумани Ибн Сино 1-мавзесидаги 1 хонали уй сотилади. Тел: 116- 90- 51, соат 20-22 га қадар телефон қилишингиз мумкин.

"МО'JIZA" ВИДЕО СТУДИЯСИ

Сизлар учун энг юқори сифат, юксак малака, оз фурсат ва арзон нархларда видеотасвирга тушришни таклиф этади. Биз билан йиғилишлар, туғилган кун, никоҳлар кечаси ва тўйларни тарихга ёзасиз.
"МО'JIZA" студияси компьютерлар ёрдамида ҳақиқий мўъжиза яратади.
МАНЗИЛИМИЗ: Алишер Навоий кўчаси, 12-уй, 2-хона.
МЎЛЖАЛ: "Дўстлик" меҳмонхонаси аввалги автомагазини қаторида.
Тел: 133-46-41 (соат 9 *дан18 гача).*

Байрам, тўй тортларини буюртмага пишираман. "Келин-Куёв" торти пиширишни ўргатаман. Тел: 162-67-86.

БУВИЖОНИМ ЁРДАМ БЕРДИЛАР

ТАЪБИРНОМАСИ

Аямнинг оналари — бувимни эсимни таниганимданоқ жуда яхши кўрганман. У киши ҳам кўп неваралари бўлишига қарамай менга қаттиқ меҳр қўйгандилар. Ҳар куни бувимникига борардим. Отаонам юборишмаса, қочиб борардим. Беш ёшларга кирганимда бобом вафот этдилар ва бувим ёлғиз қолдилар. Бир маҳалладан иккинчисига қочиб боришимдан безор бўлган ота-онам: "Бир ўзлари зерикмасинлар", - дея мени бувимнинг тарбиясига беришди. Шундай қилиб, бувим менинг ҳамфикр, қадрдон дўстимга айланиб қолдилар. Биз жуда яхши ва бахтли яшардик. Мактабни тугатиб, олийгоҳга ўқишга кирдим.

Биринчи курсда ўқиб юрганимда бувижоним вафот этдилар. Жудоликни кўтара олмай тушкунликка тушиб, ёлғизланиб қолдим. Ота-онам мени уйимизга олиб кетишди. Тақдирга тан бериш кераклигини, ҳаёт шундайлигини, ўлим эса ҳақлигини тушунтиришди.

Ўқишларим қолиб кетган. Имтиҳон топширишим керак эди. Хавотирга тушиб қолдим. Бир куни туш кўрдим. Тушимда сув оқаётган каттагина ариқ бўйида энгашиб, бет-қўлимни ювяапман. Негадир қўлимни сувга ботириб, ариқ тубидан ўрик данагидек катталикдаги бешта тошчани чиқариб олибман. Уларга қараб турган эдим, биттаси қўлларим орасидан сирғалиб сувга тушди-да, ғойиб бўлди.

Қолган тўрттасини қўлимда маҳкам ушлаб, тушиб кетганига ачиниб қараб турган эдим, ёнимга бувим келибдилар.

- Ҳа болам, биттасини туширибсан, қўйдингми? Қўй хафа бўлма, мен ҳозир сенга ундан ҳам зўрроғини топиб бераман, - дея у қўлларини сувга ботириб менинг тошчаларимдан каттароқ, лекин оппоқ чиройли тошчани олиб қўлимга тутқаздилар-да: "Маҳкам ушла", - дедилар. Мен бешала тошчани маҳкам сиқарканман уйғониб кетдим. Кўрган тушимга ҳайрон бўлдим. Шу билан имтиҳонлар бошланди. Тўртта фандан тўрт баҳо олдим, бироқ ўзим севмаган, қийин фандан йиқилдим.

Бир неча кун ўтиб, қайта имтиҳон топширишга борганимда мўъжиза рўй берди. Амаллаб "уч"га топшираман-да деб ўйласам денг, чекимга жудаям осон билет тушди. "Аъло" баҳога жавоб бердим. Ўқитувчилар ҳам савол устига савол беришаяпти, мен эса ҳеч тутилмай жавоб бераяпман. Жавобимдан қониққан ўқитувчи "аъло" баҳо қўяркан, "Ахир ўқисангиз бўларкан-ку. Нега имтиҳон куни шундай жавоб бермадингиз", - деди.

Мен кулиб елка қисдим. Нима бўлаётганини ўзим ҳам билмасдим. Курсдошларим ҳам ҳайрон бўлишди. Кейинроқ ўйланиб, сабабини тушунгандек бўлдим. Бешта тош бешта имтиҳон, битта тошни туширибсан, имтиҳонлар ҳаётимда бувижонимнинг руҳлари мени қўллаган эди.

Жойлари жаннатда, руҳлари ҳамиша шод бўлсин.

ЛОЛА

"КАМОЛОТ-КОМРУUTER" БИЗНЕС МАКТАБИ
Қуйидаги ўқув курсларига таклиф қилади.

INTERNETга ўқитиш.
Икки ойлик курсларга:
Замонавий бухгалтерия ҳисоби;
Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими (WINDOS 95, MS OFFISE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА);
Дастурлаш тиллари.

Уч ойлик курсларга:
Ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга; Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

Тел: 41-33-96

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.
Манзилимиз: Тошкент. Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ
«МОҲИР ҚЎЛЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:
● энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик; ● пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик; ● машинада гул тикиш - 3 ойлик; ● аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик. ***Диққат!!! 2001 йил апрелдан бошлаб махсус кичик гуруҳларга ҳам (3-4 кишидан иборат) қабул қилинмоқда ва ўқитилмоқда.***
Ҳар куни якка тартибда олиб борилган унумли машғулотлар давомида марказ курсларининг ҳар бирини бир ойда ўзлаштирасиз. **Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 12 гача.**
Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.
Мўлжал: Метронинг «Амир Темур» бекати, ДЭУ-Банк. Тел: 76-71-95, 133-73-97 (кечқурун).

"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ замонавий касбларга ўргатадиган қуйидаги курсларга таклиф этади:

БИР ОЙЛИК
Компьютер саводхонлик курслари:
- Windows2000 стандарт программалари (мактаб ўқувчилари учун).
- WINDOWS 98/2000, Microsoft Office2000, Microsoft Word2000, Microsoft Excel2000, Ms-dos, NC — **2 ой.**

ИККИ ОЙЛИК
- Массажистка (ёш болалар ва катталар учун).
- Аёллар костюм пальтоси (амалиёти билан).
- Эркаклар костюм шими (амалиёти билан).
- Косметология (амалиёти билан).
- Тўқувчилик (амалиёти билан).

УЧ ОЙЛИК
- Ҳамширалик (амалиёти билан).
- Сартарошлик (амалиёти билан).
- Бичиш-тикиш (замонавий фасонлар).
- Парда, пакривал (замонавий элита усулида).
- Инглиз тили (бошланғич ва давом эттириш).
- Араб тили (бошланғич ва давом эттириш).
- Торт ва салат (оддий ва олий курси).

ОЛТИ ОЙЛИК
- Акушерлик (амалиёти билан).

Изоҳ: Машғулотлар ҳафтада 3 марта ўтказилади.
Битирганларга диплом берилади.
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Метронинг «Халқлар дўстлиги» бекати, Олмазор массиви, 8/1 уй, 1-йўлак, 30-хона.
Телефон: 47-09-52, 45-22-85.

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади

1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, костюм-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикишни моделлаштиришни ўрганасиз.
2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулотлари ўтилади.
3. Сартарошлик - 3 ой (амалиёти билан).
4. Массаж - 2 ой.
5. Торт ва турли хил пишириқлар - 2 ой.
6. Парда ва пакриваллар тикиш - 1 ой (замонавий элита усулида, парда ва пакриваллар учун буюртмалар қабул қилади).
7. Тўқувчилик - 2-3 ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади.
Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (кундузи), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан кейин). Ўқиш июн ойидан бошланади.

Суврат муаллифи: Одил НУРМАМАТОВ

Болалик! Сен гулу гулзорсан,
Бир кун биздан олис кетасан.
Юз ёшда ҳам тушларга кириб,
Кўнгилларни шодон этасан!

Турмуш сабоқлари

ЭЗГУЛИККА МУКОФОТ

Мен сизларга сўзлаб бераётганим бу воқеани дўстим ўз бошидан кечирган экан.

«Роппа-роса ўн олти йил бурун университетни эндигина тугатиб, илмий текшириш даргоҳларидан бирида илмий ходим бўлиб ишлардим. Ёш мутахассиснинг маоши қанча ҳам бўларди, дейсиз. Шу сабабдан ишдан кейин баъзан киракашлик қилиб турардим. Ўша куни ҳам эски "Москвич"имда кўчага чиқдим.

Эрталабдан осмонни эгаллаб олган қора булутлар кечга бориб янада қуюқлашди. Машина ойнасига бир нечта ёмғир томчиси урилди. Шу вақт момақалдироқнинг даҳшатли гумбурлашидан ер у кўк ларзага келди. Худди шуни кутиб тургандек ёмғир заминни беаёв савалай бошлади.

Бугун ҳам иш ўхшамади, йўлдан кўз узмай, хаёл суриб борардим. Кўчалар кимсасиз.

Қорақамиш томонга бурилар эканман, бекатда ўтирган икки йўловчи диққатимни тортди. Кеч кириб қолганиданми, ё кун ниҳоятда булутли бўлгани учунми, бекат рўпарасига борганимдагина билдим: йўловчиларни бири кампир, бири ёш бола эди. Кампир ўтирган еридан менга қўл силтади. Тўхтадим. У негадир туришга шошилмади. Шундагина бола кампир тиззасига бошини қўйиб ётганини кўрдим.

- Ўғлим, Жарариққа обориб қўй, - кампир болани тахта устига оҳистагина ёткизиб, мени олдимга келгунча ҳам талайгина фурсат ўтди, - умрингдан барака топгин! Жон болам, йўқ дема!

- Ўтиринг.

Кампир айтган жой менга бутунлай тескари эди, лекин йўқ демадим, савоб ҳам керак-ку.

- Худони зорини қиламан, биронта ҳам машина тўхтай демайди-я, - кампир орқа ўриндиқда болани бағрига босиб бораркан гапира бошлади. - Аммо лекин тўхтаб зап иш қилдинг-да, жон болам. Ишқилиб кам бўлмагин, йўлинг бехатар бўлсин.

Машина шитоб билан олдинга интилар, унинг ғилдираклари гоҳо ёмғирдан пайдо бўлган кўлмакка "гурс" этиб тушар, худди шу вақтда бола оғриқдан бўлса керак, ожизгина инграб қўярди. Назаримда бу оғриқдан боладан кўра кўпроқ кампир азобланарди.

- Холажон, ёмғирда нима қилиб юрибсизлар, - кампирни чалғитиш мақсадида сўрадим.

- Э, сен сўрама, мен айтмай. Мана бу набирам, - кампир болага имо қилди. Бола чамаси ўн-ўн икки ёшларда эди, - бир неча кундан бери на овқат ейишини тайини бор, на уйқусида ҳаловат бор. Шу ерда «нафаси ўткир» домла бор деб эшитган эдим. Болам анча заифлашиб қолган эканми билмадим, домланикидан чиқишимиз билан ҳарорати бирдан кўтарилиб кетди. Худойимни кунидан айланай, ҳар куни қуёш чарақлаб турарди, аксига олиб бугун жала қуйишини қара. Шуни айтади-да: "Қари қиз овга чиқди, кетидан ғавғо чиқди", - деб.

Манзилга етиб келдик. Бу вақтда қоронғи тушган, симёғочдаги чироқлар хира ялтирар эди.

Кампир пул узатди.

- Йўқ, холажон. Бир тийин ҳам олмайман, - қатъий рад этдим, дуо қилсангиз бўлди.

- Болам онам хафа бўлмасин десанг мана шу пулни оласан, - кампир менга илтижоли боқди-да, кафтимга иккита бир сўмлик қистирди. - Олақол жон болам, мани пулим табаррук...

* * *

"Демак, бугун ҳам хотинимни касалхонага ётқизиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас", тонг отишини деразадан кузатиб ётарканман, алам билан пичирладим. Қизиқ, хўрозларнинг қичқириши ҳам, деразамнинг олдидаги бир туп азамат гилос дарахтида тонг қоронғисидан сайрайдиган қушлар хониши ҳам бугун у қадар завқли эмасди. Хотинимни ой-куни яқин эди. Шунинг учун шифокорлар унга касалхонага ётишини тавсия қилишди. Лекин касалхонага шифокорлар ёзиб берган бир қанча дорилару ва ўзи учун керакли буюмлар билан бориши керак эди. Ҳисоблаб кўрдим, буларга ўн сўм керак экан. Мана бир ҳафтадирки, ўша ўн сўм пулни топа олмайман: гоҳ машина бузилиб қолади, гоҳ худди кечагидек иш бўлмайди. Кимдандир қарз олишга эса бетим чидамайди.

Майли, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Ўрнимдан турарканман, ёнимда ширингина ухлаётган хотинимга бир зумгина тикилиб қолдим. Мана шу аёл бир неча кундан кейин менга фарзанд ато этишини, мен ота бўлишимни ўйлаб, юрагим ҳаяжондан гупиллаб уриб кетди-да, хотинимни иккала юзидан оҳиста ўпдим. Ҳовлига чиқаётиб машина калитини олиш учун диван устида ётган костюмим чўнтагига қўл тиқдим. Одатим шунақа, дастлаб машина моторини ўт олдириб қўяман-да, сўнгра ваннахонага кираман. Қўлимга калит билан пул ҳам илиниб чиқди.

- Ҳа, айтгандай, кампир берган пул-ку, - кечаги кампир эсимга тушди. Кеча кампирдан пулни олиб, костюмимни ички чўнтагига солиб қўйган эдим. Қоронғуда иккита қоғоз пул икки сўм бўлиб кўринган эди. Уйга келганимдан кейин эса пул умуман эсимдан чиқиб кетибди. Пулни кўрдим-у, қотиб қолдим. Пул ўн уч сўм эди: битта ўн сўмлик, битта уч сўмлик. Яшириб нима қиламан, қувонганимдан бақириб юборишимга озгина қолди. Худо бераман деса, ҳеч гап эмас экан. Ўн сўм керак эди, худойим мана муҳайё қилди. Севинганимдан энтикиб, тез-тез кийина бошладим.



Бўлган воқеа

"Тўхта, нималар деяпман ўзим", - ток ургандек бирдан сесканиб кетдим. Кўйлагим тугмаларини қадаётган қўлларим ҳам қотиб қолди, ахир бу бировни пули-ку! Балки ўша кампирни нафақа пулидир. Ҳар қалай қаричилик. Хира тортган кўзлари, балки яхши кўрмагандир. Бу пулларни ўзимники қилиб олиш ўғрилик қилиш билан баробар эмасми?

"Йўқ, пул фақат меники", - ўзимни оқлаш учун сабаб қидирардим, кампирни ҳожатини чиқардим. Бу пулни ўзи рози бўлиб берди. Мени ўрнимда бўлган бошқа ҳар қандай одам ҳам пулни ўзига оларди.

Ўзим билан ўзим узоқ баҳслашдим. Эгасига олиб бориб берай десам, пул жуда ҳам зарур. Бермай десам, виждон азоби қийнаяпти. Тўғрисини айтсам, ҳаётимда биринчи марта бундай ҳолни бошдан кечираётган эдим. Бир қарорга кела олмай қора терга ботиб кетдим. Ногоҳ .кроватни ғижирлаши хаёлимни бўлиб юборди.

- Яхши ётиб турдингизми?-хотиним инқиллаб ўрнидан тура бошлади, - уйғонганингизни сезмай қолибман.

Шу вақт кўзим хотинимни дўппайган қорнига тушди.

"Йўқ, бу пул менга ҳаром, - сўнгги қарорга келдим, - бу пул менга ҳам, бўлажак фарзандимга ҳам керакмас. Эгасига ҳозироқ олиб бориб беришим керак..."

Машинани боши берк кўчани оғзида тўхтатдим. Кўча қазиб ташланган. Кеча кампир билан болани ҳам худди мана шу ерда қолдирган эдим.

"Бу ёғи ғалати бўлди-ку, - кўча ичкарисига аста юриб кирарканман, паст-баланд иморатларга синчков тикилардим, - кампирнинг уйи қайси бири бўлди экан?" Таваккал қилиб битта уйнинг эшигини тақиллатдим. Бу уй пастроқ бўлгани учунми ёки атрофидаги иморатлар ҳаддан ташқари ҳашаматли бўлганиданми анча кўримсиз эди. Негадир калламга кампир шу уйда яшаса керак деган ўй келди.

- Холам шу уйда турадиларми?

- Қайси холангиз, - аёл саломимга бош силкиди-да, саволимга савол қайтарди.

- Неваралари ҳам бор. Кеча машинамда шу кўчанинг бошига ташлаб кетган эдим.

- Бу боши берк кўчада неварали кампирлар озмунчами? Қайси бирини сўраяпсиз?

Тўғрисини айтсам, кампирни қандай таърифлашга ҳайрон эдим.

- Ҳа, айтгандай жуда ширин гапиради-лар, - хижолатдан қулоқларимгача қизариб кетди, - ҳар икки гапни бирида "жон болам", - дейдилар.

- Бўлди, бўлди! Жаннат холамни айтаяпсиз, - мендан ҳам кўпроқ аёл қувониб кетди. - Ҳов, анави иморат!

Аёл кўчанинг нариги бетидаги уйни кўрсатди. Бино ниҳоятда баланд ва ҳашамдор эди. Деворларига шиша синиқлари қўшиб ёпиштирилган мармар кукуни бинога янада кўркамлик бахш этар, томига ёпилган оқ тунукадан қайтаётган қуёш нури одам кўзини қамаштирар эди.

- Адашмаяпсизми? - негадир шу уйда кампир яшашига ишонгим келмасди.

- Ҳозиргина набираларига укол қилиб чиқдим. Кечаси билан иситмаси тушмаяпти, - аёл менга синчков разм солдида, яна табассум ҳадя этди. - Жаннат холамни ҳеч ким билан адаштириш мумкин эмас.

Қўнғироқ тугмасини журъатсизгина босдим. Негадир қаттиқ ҳаяжонланардим. "Кампир мени қандай қабул қиларкин? Сўзларимга ишонармикан. Пулим иккита ўн сўмлик эди, деб туҳмат ҳам қилиб қолса нима бўлади? Яхшиси кетворсаммикан?"

Йўқ, кетишга улгурмадим. Эшик очилди. Эшикдан ичкарига ёпирилиб кирган қуёш нури йўлакда турган "Волга" ойнасига тегиб ҳар ёққа сочилиб кетди.

Қаршимда кечаги кампир турарди.

- Ассалому алайкум, холажон. Мени танидингизми? Кеча сизларни олиб келиб қўйган эдим.

- Вой, бўйларингдан онанг ўргилсин. Айбга буюрмайсан, танимабман. Қани, жон болам, кир ичкарига, - кампир эшикни янада каттароқ очди.

- Йўқ, ишга кечикяпман, - қўлимдаги соатга қарадим. - Мен бир иш билан келган эдим. Кеча менга янглишиб кўп пул бериб юборибсиз. Пулингизни олиб келдим. Мана ўн уч сўм.

- Йўқ, олмайман, - кампир пулга ҳатто қараб ҳам қўймади. - Мен бу пулни рози бўлиб бердим. Кеча ўнлаб машинага қўл кўтарсам-да, бирортаси тўхтамади. Бу ёқда набирамни иситмаси баланд. Ўшанда тўхтаган машина ҳайдовчисига чўнтагимдаги бор пулимни бераман, деб ният қилган эдим.

- Хўп, гап бундоқ бўлмаса, - кампир билан муроса қилмоқчи бўлдим, - кеча машинага ўтирганерингиздан то уйингизгача икки сўмлик йўл. Рози бўлсангиз мана бу уч сўмингизни оламан, ўн сўмни эса олиб қўйинг.

Кампир жавоб беришга улгурмади.

- Ким экан, онажон?-йўлакда йўғон товуши салобатли гавдасига ярашган, мендан тахминан ўн ёшлар катта йигит кўринди.

- Болам, кеча ўғлинг билан мени олиб келиб қўйган йигит келибди.

Саломлашиш учун йигитга узатган қўлим ҳавода муаллақ қолди. У мен билан худди юз йиллик қадрдонлардек қучоқ очиб кўришди.

- Укажон, сизга минг раҳмат. Ўғлим билан онажонимни жалада уйга обкелиб қўйибсиз. Мен кеча кечқурун сафардан келдим. Ўн тўрт кун аввал телефонда гаплашганимда, онажон ҳеч қаёққа чиқманг, борганимдан сўнг ўзим қаерга бўлса олиб бораман, деб тайинлаган эдим. Онажоним сабр қилмабдилар. Қани, уйга марҳамат.

- Узр, ака. Кейин бир бафуржа ўтирармиз.

- Кечадан бери сиз билан учрашиш насиб этишини сўраб Худога илтижо қиламан. Нолаларим Аллоҳга етиб борди шекилли, мана сиз билан дийдор кўришиб турибман, - йигит қўлимга йигирма беш сўм тутқазди. - Мана шу пулни оласиз.

- Йўқ, йўқ, ахир мен...

- Хўп денг, жон ука, - йигит гапиришга қўймади, - онажонимга қилган бу яхшилигингиз учун қиёматгача сиздан қарздорман. Бу-ку арзимаган пул экан, сизни розилигингиз учун мана шу машинам-у, уй-жойимни ҳеч иккиланмасдан берардим. Келинг ука, бир умр ака-ука бўлиб қолайлик...

* * *

Улар бир умр ака-ука бўлиб қолишди. Бу орада дўстимнинг мансаб-мартабаси ҳам, мол-давлати ҳам ошиб тошди. Хонадони бирин-кетин туғилган ўғил-қизлар билан файзга тўлди. "Бизда мустамлакачилик давридан қолган бир тушунча бор дейди, - ҳозирда тижорат билан шуғулланаётган дўстим ўйчанлик билан, - ким бой бўлса, демак у ўғри, мутаҳҳам, нопок кимса. Менимча, бой-бадавлат, ҳаётда қандайдир ютуқларга эришган одамларнинг асосий қисми ота-онасини рози қилган, уларни дуосини олган. Онасини норози қилганлар асло кўкармайди, деб халқимиз бежиз айтишмаган..."

Ҳа, дўстим ҳақ гапни айтди, хаёлан дўстим фикрини давом эттираман. - Бу данғиллама уй-жой, машина - онасини еру-кўкка ишонмайдиган, унга кирган зирапчани киприги билан суғуриб олишга тайёр ўша йигитга Аллоҳни мукофоти эмасмикан?

Солиҳ фарзанд тарбиялаган, ўзидаги сахийлик ва мурувватни оқ сути билан бирга ўғлига сингдира олган ўша ширинсўз онахонга бу қадар чексиз иззат-икром яратган эгамнинг мурувввати эмасмикан?

Қолаверса, ўттиз беш сўм пул, ҳар қанча зарур бўлса ҳам, бировни ҳақидан ўзини тия олган, туғилмаган фарзандига ҳам ҳаром пулни раво кўрмаган дўстимга бугунги омад ва қувончлари ҳалоллиги учун Тангрининг туҳфаси эмасмикан?

Хожимурод АБДУРАҲИМОВ

Янги "Кўнгил сирлари" рукни ҳаётда ўз ўрнини топган, шунингдек ўз меҳнати, изланишлари, муваффақиятлари билан халқимиз дилидан ўрин олган замондошларимиз кўнгил сирларидан сизни огоҳ этиб боради. Азиз дўст! Ўз навбатида яна кимларнинг кўнгил сирларига қулоқ тутмоқчисиз, таклифларингизни кутиб қоламиз.

Кўнгил сирлари

АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ, МЕҲР БЕРИНГ!

«Ниҳол» мукофотининг совриндори Нилуфар РАҲМАТОВА билан суҳбат.

- Нилуфар Раҳматова ўзининг кўнгил сирларини ҳаммага ҳам айта оладими?

- Билмадим, агар берадиган саволларингиз кўнгилнинг нозик торларини чертиб юбора олса, айта олиши мумкин.

- Кўнгил. Нима у?

Нилуфархон осмонга тикилиб узоқ ўйланиб қолди.

- Биласизми, кўнгил бу инсон қалбининг дарвозаси. Унинг кўнгил дея аталмиш дарвозасидан ўта олдингми, демак қалб сеники. Умуман, кўнгил бу инсоннинг энг сирли туйғуси, унинг қандайлигини айтиб бергувчи бир маъво. Ўша учун ҳам айтишадику, инсонни кўнглига қараб кимлигини билса бўлади, деб.

- Сиз бахтлимисиз?

- Жудаям. Оилам, дилбандларим, мени севгувчи умр йўлдошим бор. Қўшиқларимни севиб тинглайдиган халқим, мени борйўқлигимни тахмин қилиб мишмиш тарқатиб турувчи мухлисларим бор. Шундай экан бундан ортиқ бахт бўладими?

- Аёлни бир умр гулга қиёслаб яшаймиз, сиз бу борада нима дейсиз?

- Меҳр-муҳаббат нурларини бутун оламга сочиб турган қуёшга ўхшатаман аёлни. Қуёш сингари аёл ҳам меҳр-муҳаббатни ҳеч кимдан дариғ тутмайди, миннат қилмайди.

- Ўзи-чи? Ўзи нимага зор бўлиб ўтади?

- Яна шу меҳрга. Аёлга меҳр бериш керак, муҳаббат ҳадя этиш керак. Афсуски, бизнинг эркакларимиз аёлларга бефарқ бўлиб қолишган. Тўйдан кейин қачон аёлига гул совға қилган ёки кўнглини кўтариб эркаловчи сўзлар билан қалбини ёритганини эслолмайдиган эркаклар кўплаб топилади. Агар эркак ўз аёлини қадрига етса, унга меҳр бера олса, бу хонадон чаманзорга айланади.

- Аёл сифатида муҳаббатни қадрлайсизми ёки оилани?

- Муҳаббатни. Ундан сўнг оилани. Чунки муҳаббатдан оила вужудга келади. Муҳаббат бу инсоннинг энг улуғ ва мўъжизавий ҳис-туйғуларидир. Инсон шу муҳаббат билан тирик, шу муҳаббатга сиғиниб, талпиниб яшайди. Муҳаббатни қадрламайдиган инсон бир умр ўзи унга зор бўлиб ўтиши муқаррар. Шахсан мен ҳам муҳаббатсиз на оилавий бахт борасида, на санъат йўлида бир қадам олдинга силжий олмаган бўлардим. Муҳаббат бор эканки мен ўсаяпман.

- Санъатга кириб келишингизга ким сабабчи бўлган?

- Отам. Аммо у киши санъаткор эмаслар. Мармар ишлаб чиқариш корхонасида оддий мармар кесувчи бўлиб ишлаганлар. Мумтоз қўшиқларни севиб тинглардилар. Мен ҳам ўйда мумтоз қўшиқлардан куйлаб дуоларини олардим.

- Аввал Нилуфар Саитова эдингиз, энди эса...

- Турмушга чиққач, умр йўлдошимнинг фамилиясига ўтдим.

- Мухлисларга бу ҳақда тўлиқроқ маълумот беролмайсизми?

- Майли. Телевидениеда бастакор бўлиб ишловчи Султонали Раҳматов билан қалбларимиз бир-бирига йўл топди шекилли, оила қуришга аҳд қилдик. Инсон ўз тақдирини ўзи яратади. Мен бошимга қўнган бахт қушидан мамнунман. Бир йўқотиб қўйган бахтини қайтиб топиб олган бахтиёр аёл ҳақида афсона ўқисангиз билингки, у мен ҳақимда. (У бу сирларни ҳали шу пайтгача ҳеч кимга айтмаганини алоҳида қайд этиб ўтди.)

- Мана турмуш курибсиз. Сиз нима деб ўйлайсиз, оилада кимнинг мавқеи устун бўлиши керак? Эрними, қайнонаними, ёки?..

- Албатта эрни-да. Чунки азалдан эркакларимиз оила устуни, посбони ҳисобланадилар. Эркак зотини Аллоҳ яратаётганида ўз жуфти ҳалолини, фарзандларини ҳалол луқма билан боқиб ўзидан кейин насл қолдиради деган. Биз аёллар қанчалар ширин сўзга ўч бўлсак, эркаклар ҳам доимо оилада устун бўлиб келишни хоҳлайдилар.

- Ҳаётда нимага эришдингиз, яна қандай орзуларингиз ушалмай қолди?

- Ҳаётда ҳали кўп нарсага эриша олдим деб айтолмайман. Назаримда фақат санъатда йўлимни ва мухлисларимни топа олдим. Худога шукр ёнимда умр йўлдошим Султонали Раҳматов бор эканлар, бу ютуқнинг ярмидан кўпи шу инсонники.

Ушалмай қолган орзуларим... Эҳ-ҳ, улар бисёр, қўйинг, яхшиси уларни айтмай сизга.

- Кинода рол ўйнашга таклиф қилишганми сизни?

- Ҳа, жуда кўп марта. Ахир Театр ва рассомчилик санъати институтининг актёрлик факультетини тугатганман. Кўпроқ муҳаббат ҳақидаги фильмларга таклиф қилишган. Лекин ростини айтсам, эрим рухсат бермаган. Сўнг ўзим ҳам бундоқ ўйлаб қарасам, одам бир йўналишда ижод қилиши керак экан, ҳали уёққа, ҳали буёққа сакраб юриб ҳурмат орттиролмайди. Мен қўшиқчиликни танладимми энди охиригача шу касбимга содиқ қоламан деб ўзимга аҳд қилдим.

- Ўз қўшиғимни куйлай олдим деб ўйлайсизми?

- Йўқ, «зангори экран»да бир хонанда йигитнинг қўшиқ айтганини кўргандим. Унинг хонишлари шу қадар латиф, шу қадар ширин эдики, беихтиёр хушидан кетган мухлисларини ҳам кўрсатишган эди. Шу-шу менда ҳам шундай бир қўшиқ яратиш илинжи, тўғрироғи, орзуси пайдо бўлган. Йўқ, мен хониш қилиб одамларни ҳушидан айирмоқчи эмасман. Ўз қўшиғимни куйламоқчиман, холос. Билмадим, бу орзуим қачон амалга ошаркин.

- Қайнонангиз ҳақида ҳам гапира оласизми?

- Қайнонамни мақташга сўз тополмайман, у киши мени нафақат келин сифатида, балки санъаткор ўрнида ҳам тўғри тушуниб келадилар. Баъзида 2-3 кунлаб эр-хотин иккимиз гастролларга кетиб қоламиз, 9 ойлик қизалоғимиз Нозанинга у киши қараб турадилар, бошқа иложимиз йўқ, хизматчилик. Ҳа, айтмоқчи, ойижонимиз шеър ёзадилар, у кишини Олия Омонова дейдилар, ажойиб шоира. Ойижонимнинг "Турналар" шеърини қўшиқ қилиб айтганман.

- "Оила ва жамият" мухлисларига тилакларингиз?

- Юртимиз тинч, фаровон бўлсин. Оилани муқаддас санагувчи барча юртдошларимизнинг омадини берсин.

- Раҳмат, сизнинг ижодингизга ҳам барокат тилаб қоламиз.

Дилшод ҚЎЛДОШЕВ

МЕНИ РАҲИМЖОН ДЕБ АТАНГ...

- Ассалому алайкум, бу "Оила ва жамият" редакциясими? - оқишдан келган, баланд бўйли бу йигитнинг соф ўзбек тилида гапираётганидан ажабланиб қарадим.

У ўзини Роберт Грейвс, Андижон Тараққиёт маркази саломатлик бўлимининг бошлиғи деб таништирди.

- Газетанигизни жуда севиб ўқийман. Ўзбек тилини ўрганишимда катта ёрдам берди,-деди у даставвал.

- Биз ҳам бундан жуда хурсандмиз Роберт. Андижондаги ўзингиз бошқараётган бўлим ишлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз...

- Жоним билан. Даллас шаҳридан 1996 йилнинг август ойида илк бор бу ерга келдиму Ўзбекистонга меҳрим тушди. Кейин бир дўстимнинг таклифи билан Андижон Тараққиёт марказига ишга келдим.

Қўлимдаги мана бу китоб "Янги ҳаёт яралишининг мўъжизаси" деб аталади. Ҳомиладор аёллар учун мўлжалланган бу қўлланмани тажрибали акушер гинекологлар Катарина ва Скот Бреслинларнинг ҳаётий тажрибасига асосан ишлаб чиққан лойиҳам бўйича чоп этдик. «Оналар ва болалар йили»да ёш оналарга бу китоб бизнинг совғамиз бўлади.

Оиламиз меҳмони

- Ҳомилани туғилишидан олдин тарбиялаш кераклиги ҳақидаги фикрларни бўлажак ёш оналарга сингдирасизларда, шундайми?..

- Ёш оналар ҳомиладорлик даврида ваҳимага тушадилар. Бу ваҳима қўрқувга айланиб ҳомилага салбий таъсир кўрсатади. Биз эса шу ваҳимани қандай енгиш, ҳомиладорлик даврини завқли ҳодисага қандай айлантириш мумкинлиги ҳақида ёш оналар билан суҳбатлар ўтказамиз. Марказимиз тайёрлаган бу китобчада ҳам ана шундай ғоя илгари сурилган.

- Роберт, ўзингиз ўсган муҳит ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

- Отам Брюс Грейвс - Даллас да қурилиш соҳаси бўйича молия - иқтисодиёт ишлари вице-призиденти, онам Роберта эса ўқитувчи эди. Ота-онамиз табиатни жуда севишарди. Ҳар дам олиш кунида отам Стив акамни, онам эса мени ўз велосипедларига мингаштириб олишиб ўрмон сайрига олиб боришарди. Далласнинг ўрмонлари, табиати жуда гўзал. Шунинг учун биз дам олиш кунларини яхши кўрардик. Ана шу даврларни ҳозир ҳам соғиниб эслайман.

- Бизнинг урфу одатларимиз сизга ёқдими?..

- Янги келган пайтларимда мен одатларингизни, ўзбекона лутфни тўппа-тўғри қабул қилардим. Масалан, мажлисга кетаётган танишим ўзи шошилиб турган бўлса-да мени кўриб: «Э, Роберт дўстим, бормисиз? Қани уйга юринг, бир пиёла чой ичайлик»,- деди. Мен ҳам: "Хўп кетдик, чой ичсак бўлади. Ҳозир вақтим бор",-дедим. У бўлса сал шошиб қолди-да, дамбадам соатига қарай бошлади. Шунда ёнидаги киши менга: "У семинарда маъруза қилиши керак, илтимос чой ичишни кечқурунга қолдирайлик, деди. Шунда ўз-ўзимдан шунақаям хижолат тортдимки, асти қўяверасиз.

Бу ёрда одамнинг бошига ташвиш тушганда таниш ҳам, нотаниш ҳам ёрдам қўлини чўзаркан. Бир маҳалла одамларининг бариси худди бир оила аъзоларидек яшар экан.

Бир куни андижонлик дўстим билан машинада кетаётсам одамлар тобут кўтариб чиқиб қолишди. Шунда у тезда машинамни тўхтатишимни илтимос қилди. Мен машинамни тўхтатгандим. У тушди-да, югуриб бориб тобутни кўтаришиб йигирма қадам жойгача юриб кейин қайтиб келди. Ундан: «Бу киши қариндошмиди?» - деб сўрасам, «Йўқ, ушимиз шунақа, савоб бўлади»,- деди. Кейинчалик мен ҳам қаерда шундай воқеанинг устидан чиқсам машинадан тушиб тобутни кўтаришиб борадиган бўлдим.

- Ташрифномангизда исмингиз — Раҳимжон деб ёзилган, ўзбекчани ҳам жуда яхши гапирар экансиз...

- Мен Ўзбекистонга илк бор келганимда бир киши билан таништим. У жуда ҳазилкаш бўлиб исми Раҳимжон экан. Исмим Роберт эканлигини эшитиб: "Ундай бўлса ўзбекчасига Раҳимжон деймиз,"-деди. Ўзбекистонга келганимда ўзбекчани билмасдим. 3-4 йил ичида ҳам гапиришни, ҳам ёзишни ўрганиб олдим. Шу-шу Андижонда Раҳимжон бўлиб танилдим.

Роберт, яъни Раҳимжон келиб кетганидан сўнг биз ҳам хурсанд бўлдик. Қадимий удумларга бой юртимизнинг гўзал, ўзгаларни-да ўзига ром этадиган анъаналарию, ҳеч қайси миллатда йўқ удумлари билан фахрландим.

Басира САЙЙИДАЛИЕВА

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35
Котибият, хатлар: 34-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоналари. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 20.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176; ташкилотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 2626. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда.
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - Муталлиф СОДИКОВ.